Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 247 (8737). ● 25 декабрь, 1985 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

## КРЕМЛДА УЧРАШУВ

23 декабрь куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев қисқа визит билан Москвага келган ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ва секретариатининг аъзоси, ХХР Давлат Кенгаши Бош министрининг ўринбосари Ли Пэнни қабул қилди.

Совет-Хитой муносабатларининг баъзи масалалари ҳамда иккала томонни қизиқтирувчи бошқа проблемалар юзасидан фикрлашиб олинди.

М. С. Горбачев Совет томонининг Хитой Халқ Республикаси билан муносабатларни жиддий равишда яхшилашга астойдил интилаётганини тасдиқлади. Иккала социалистик мамлакатимизнинг яхши қўшничилиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ишида янада силжишга эришиш Совет ва Хитой халқларининг узоқ муддатли туб манфаатларига, Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизлик манфаатларига мос бўлиб тушган бўлур эди.

Ли Пэн Хитой томонининг икки томонлама муносабатларни нормаллаштириш жараёнига кўмаклашиш истагини билдирди, ХХРнинг халқаро тинчликни сақлашдан манфаатдорлигини таъкидлади.

(ТАСС).

## КАН СЕН САН МОСКВАГА КЕЛДИ

КМП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Корея Халқ Демократик Республикаси маъмурий кенгашининг бош министри Кан Сен Сан Совет ҳукуматининг таклифига биноан 24 декабрь куни расмий дўстлик визити билан Москвага келди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

## КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА 27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК!

### ЙИГИРМА ИККИНЧИ ЎН КУНЛИК ИЛҒОРЛАРИГА ТЕНГЛАШИНГ!

## КАДРЛАР МАҲОРАТИГА БОҒЛИҚ

**Олмалиқдаги 6-ғишт заводлари бошқармаси коллективи бу йил қолоқликдан чиқиб ҳозир социалистик мажбурият ҳисобига бинокорлик материаллари ишлаб чиқараяпти. Беш йилликни муваффақиятли якунлаш, қолоқликни тугатиш йўлида кўрилган тадбирлар ҳақида бошқарма партия бюроси секретари, ремонтчи-слесарлар бригадаси бошлиғи, Тошкент область партия конференцияси делегати Анатолий Алексеевич РАШЧУПКИН жамоатчи мухбиримиз О. Хушназаровга сўзлаб берди:**

— Шаҳримиз йил сайин кенгайиб бораяпти. Ҳозир қаёққа қараманг, кўкка бўй чўзаётган кўркам бинoларга кўзингиз тушади. Бинокорлик материалларига бўлган талаб йил сайин ортиб бораяпти.

Сир эмас, илгарилари қурилиш объектларига белгиланган миқдордаги ғиштларни етказиб беролмай бинокорлар олдида кўп ҳижолат чекар эдик. Ўтган йилнинг ўзида мўлжалдагидан 3 миллион дона ғишт кам тайёрланди. Чунки, ишчилар ўртасида прогуллар кўп бўларди, печлар тўла қувват билан ишламасди.

Кейинги пайтларда биз барча участкаларда тартиб ва интизомни мустаҳкамлашга, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришга, печлар қувватини оширишга алоҳида эътибор бера бошладик. Меҳнат ва план интизоми устидан назорат кучайди. Бўлиб ўтган партия йиғилишларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаблари асосида бажарилиши лозим бўлган вазифалар атрофлича муҳокама қилинди. Партия ташкилоти ҳисобидаги 21 коммунистнинг ҳаммасига конкрет топшириқлар берилди. Топширилган иш учун кадрлар масъулияти оширилди.

Маъмурият билан партия ташкилоти ҳамкорликда кўрган тадбирлар қисқа вақт ичида ўз самарасини берди. Эски печлар ремонт қилиниб, қуввати оширилди, ишлар икки сменада ташкил қилинди, шароит яхшиланди. Ҳозир ишчилар учун ётоқхона ва коттежлар қураяпмиз. Илгарилари ҳар куни

### ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ДЕЛЕГАТЛАРИ МИНБАРИ

ўрта ҳисобда 8,2 минг сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, ҳозирги кунда 9,2 минг сўмлик бинокорлик материали ишлаб чиқарилаяпти. Бошқача қилиб айтганда, ғишт ишлаб чиқариш кунига 120 мингтага кўпайди. Шу кунгача пландаги 39 миллион ўрнига 42 миллион дона ғишт ишлаб чиқарилиб, қурилиш объектларига жўнатилди.

Ишлаб чиқаришни яхши йўлга қўйгач энди маҳсулот турларини кўпайтириш устида изланмоқдамиз. Ҳар йили Ангрен кўмир разрезида неча миллионлаб тонна каолин йиғилиб қолади. Лекин биз мўлжалдагидан 80 минг тонна кам каолин оляпмиз. Агарда шу хомашё бизга ўз вақтида етказиб берилганда тайёрланаётган ғишт сифати яна ҳам яхшиланган бўлар эди.

Область партия конференциясида табиий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш устида алоҳида гап бўлишини истар эдим. Чунки, Олмалиқда ҳам табиий ресурслар талайгина. Биргина химия заводининг ўзида йилига 100 минглаб тонна фосфогипс чиқитга чиқариб юборилаяпти. Улар ҳозир ўнлаб гектар суғориладиган ерларни эгаллаб ётибди. Болтиқбўйи ва Украина шаҳарларида шундай хомашёлардан ажойиб иморатбоп материаллар — фогоизол тайёрлашаяпти. Мана шу корхоналар тажрибаси асосида областимиздаги ғишт заводларида ҳам янги хил материаллар тайёрлашни йўлга қўйиш мумкин. Бунинг учун ишлаб чиқаришнинг техника базасини мустаҳкамлаш, янги техника ва технологияни жорий этиш лозим бўлади. Область партия конференциясида бинокорлик материаллари саноати корхоналарини техника жиҳатидан қайта жиҳозлашдаги вазифалар хусусида гап бориши керак.

Кадрлар маҳоратини ошириш ҳам муҳим масалалардан ҳисобланади. Лекин бинокорлик материаллари саноати корхоналарида ишлаётган кадрлар учун семинарлар камдан кам уюштирилади, илғор тажрибалар оммалаштирилмайди. Ваҳоланки, бу соҳада маълум тажриба тўплаган кишилар оз эмас. Бизнинг бошқармада Р. Охунов, В. Раупов, А. Мирзаев, И. Кондирев каби илғорлар бор. Улар тажрибасини ҳар қанча ўрганса, оммалаштирса арзийди.

Илғор тажрибаларга амал қилинмаётганлиги учун ҳам кўпгина ғишт заводларида план топшириқлари бажарилмай қолаяпти. Ўйлайманки, конференцияда масаланинг бу муҳим томонига ҳам алоҳида эътибор берилади.



ТОШКЕНТДАГИ «Электробитприбор» заводида съездолди социалистик мусобақаси тобора қизғин тус олмоқда. Мазлума Шокирова раҳбарлигидаги бригада аъзолари бу меҳнат беллашувида актив иштирок этиб, зарбдор ўн куниликларда мунтазам ғолиблар сафида боришмоқда. Ушбу суратда илғор комсомол-ёшлар бригадаси етакчиси М. Шокировани кўриб турибсиз.

Т. Каримов фотоси.



**ОЛМАЛИҚ гилам фабрикаси коллективи КПСС XXVII съезди шарафига зиммасига олган социалистик мажбуриятини ортиғи билан бажармоқда. Йил бошидан бери пландагидан ташқари 24 минг квадрат метр гилам буюмлари ишлаб чиқарилди.**

Суратда: корхонанинг тўқув цехида.

Ф. Қурбонбоев фотоси.

(ЎзТАГ).

## ЯНГИ ҲОСИЛГА ЗАМИН

ПАРКЕНТ районидаги «Коммуна» совхози меҳнаткашлари бу йил давлатга 1500 тонна ўрнига 2076 тонна картошка ҳамда 2140 тонна ўрнига 2185 тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб бериб, йиллик планларини ортиғи билан бажаришган эди. Айни кунларда хўжаликда ариқ-зовурларни тозалаш, далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ишлари қизғин бораяпти.

Хўжаликда мавжуд 500 гектар экин майдони сифатли шудгорланди. Бу ишни бажаришда З. Ортиқов, А. Холтоев, У. Нуткиддинов каби механизаторлар бошқаларга намуна бўлишди.

Шунингдек, «Паркент» совхозининг 1-бўлими соҳибкорлари ҳам қишки тадбирларни амалга оширишда ғайрат кўрсатишмоқда. Бу ерда 252 гектар майдондаги токзорлар ўз муддатида кесилди ва кўмиб қўйилди. Айни пайтда узумлар яхоб сувига қондирилмоқда. Л. Ҳалилова, К. Бадалматова, М. Мирзиёдова, А. Бузруков, Э. Убайдуллаев ва Н. Абляев сингари ишчилар кунлик нормаларини ортиғи билан бажаришга эришмоқдалар.

**М. МИРКАМОЛОВ.**

## ТЕПЛИЦАДА ИШ ҚИЗҒИН

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида 5,32 гектар майдонда теплица ташкил этилган. Бу ерда помидор, бодринг ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилмоқда. Колхозчилар бу мавсумда ҳар бир квадрат метр жойдан 10 килограммдан маҳсулот олиш учун ҳаракат қилишмоқда.

Шу кунгача сабзавоткорлар меҳнаткашлар дастурхонига 7 тонна помидор, 22 тонна турли кўкатлар ва 20 тонна кўкпиёз тақдим этишди.

— Пишиб етилган сабзавот маҳсулотларини ўз вақтида истеъмолчиларга етказиб бериш учун курашмоқдамиз, — дейди теплица директори Э. Худойбердиев. — Ҳар куни 4 тонна сабзавот, 100 килограммдан зиёд витаминли кўкатлар савдо шахобчаларига жўнатиляпти.

Бу ишларда Х. Зоирова, Х. Солихова ва С. Тўхтаназаров сингари колхозчилар алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда. Улар теплицадаги сабзавот экинларини агротехника қоидалари асосида парваришлаб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

**Р. СОБИРОВ.**

## «БЎКА» ЕРНИ СУВГА ҚОНДИРАДИ

«Бўка» суғориш системаси азалдан фойдаланилаётган ерлар унумдорлигини оширишнинг ишончли омили бўлиб қолди. Сирдарёнинг ўнг соҳилида барпо этилган гидротехника комплексининг сўнгги — тўртинчи насос станцияси агрегати фойдаланишга қабул қилинди. Қудратли техника сувни 45 метр баландликка кўтариб, уни ихтисослаштирилган пахтакор хўжаликлар далаларидан ўтадиган қувурга ҳайдайди. Қувур орқали сув буғланмай, ерга сингмай, далаларга етиб келади, ҳозир ерларнинг шўри ювилмоқда.

Кўп сонли сув олиш иншоотлари, зовур системалари ва тарнов тармоқлари билан биргаликда янги ирригация объекти Бўка районидаги тўрт минг гектардан ортиқ экинзорлар унумдорлигини таъминлайди. Комплекс сув билан таъминлашни яхшилаш билан бирга адир ерларни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритишга имкон беради. «Кремль» совхозининг қўриқ массивида 450 гектарлик участка ҳозироқ ўзлаштириб қўйилди.

**(ЎзТАГ мухбири).**

## ИККИ БЕШ ЙИЛЛИК БАЖАРИЛДИ

Ангрендаги 9-шахта конининг Юрий Разуменко бошлиқ кончилари бригадаси беш йилликнинг якунловчи йили учун олган мажбуриятини барвақт бажарди. Бригада ҳозиргача топшириққа қўшимча равишда қарийб уч минг тонна кўмир қазиб чиқарди.

— Ангрен кончилари КПСС Марказий Комитетида стахановчилик ҳаракати ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари билан бўлиб ўтган учрашув материалларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар, — дейди бригадир. — Янада яхшироқ, унумлироқ ишлаш, йиллик ва беш йиллик топшириқларини барвақт бажаришга бўлган даъватни ҳаммамиз қизғин маъқуллаб кутиб олдик. Шонли стахановчилик анъаналарини ривожлантириб, иш самарадорлигини ошириш учун курашнинг олдинги сафида бориш биз учун шарафли бурчдир.

Меҳнатни пухта ташкил этиш, юксак интизом, кўмир қазиб чиқариш технологиясини аъло даражада билиш туфайли Ю. Разуменко бригадаси графикдан ўзиб ишлаяпти. Коллективнинг ҳар бир аъзоси пармалаш, портлатиш, мустаҳкамлаш сингари барча жараёнларни мукаммал ўрганиб олган. Улар керак бўлса вентиляцияни монтаж қилишлари, рештак-конвейерни бошқа жойга олиб ўтишлари мумкин. Юксак иш унумига эришилаётганининг боиси ҳам шунда.

А. Маматов, М. Нуриев, Т. Аҳмонов бошлиқ илғор коллективлар ҳам пландан ташқари анча ёнилғи қазиб чиқаришди. КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборган Ангрен шахтёрлари бу йил топшириққа қўшимча равишда ўн минг тонна кўмир қазиб чиқаришга аҳд қилишган. Улар белгиланган маррага жуда яқинлашиб қолишди.

## ҲАМКАСБЛАРГА ИБРАТ БЎЛИБ

Тезлик, маҳорат ва иш вақтини тежаш — Бекободдаги 16-автокорхонага қарашли Ҳабибулла Абдужабборов бошлиқ шофёрлар бригадасининг меҳнат муваффақиятлари сири ана шулардадир.

Улар карьердан майдалаш-саралаш заводига қум-шағал ташишга киришган эдилар. 17 КрАЗнинг «оёғи» ерга тегмайди: машиналар қарови ўрнига қўйилгани учун техника панд бермайди, шерик корхоналар билан тузилган шартнома эса самосвалларга тўхтовсиз юк ортиш ва тушириш имкониятини беради. Қатнов йўли шофёрларга беш қўлдай равшан: йўл устида бензин олиш, қаров пунктлари очилган. Бунинг устига машиналар сира-сира юксиз қолмайди. Ишни ана шундай ташкил қилиш натижасида Ҳабибулла Абдужабборов икки беш йиллик планни бажариб қўйди. У эгаларига ярим миллион тоннадан кўпроқ қурилиш материалларини етказиб берди. Унинг кўпгина ҳамкасблари ҳам графикдан ўзиб ишламоқдалар.

**(ЎзТАГ мухбири).**

### ЙИЛ ЯКУНИ ТАҲЛИЛИ

## ТАШАББУС ҚИЙМАТИ

БРИГАДАМИЗ деҳқонлари йил бошида областимизнинг бир группа илғор пахтачилик бригадалари бошлиқларининг КПСС XXVII съезди шарафига пахтадан мўл, эртаги ва сифатли ҳосил етиштириш юзасидан бошлаган ватанпарварлик ташаббусларига қўшилиб меҳнат қилдилар. Ўз сўзимизнинг устидан чиқиш учун барча агротехника тадбирларини вақтида ва сифатли ўтказишга асосий эътиборни қаратдик. Айниқса, ғўзаларни машинабоп қилиб ўстириш учун ҳаракат қилдик. Июль ва август ойларида зарбдор 70 кунлик шиори остида ғўза парваришини кучайтирдик. Кўсакларнинг тўқ бўлиб етилиши учун қўшимча озиқлантирдик, ишлов бердик. Халқимизда меҳнат қилган хирмон уяди, деган гап бор. Унинг тўғрилигига ўз тажрибамизда яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Йиллик пахта тайёрлаш планини колхоздагина эмас, районимизда биринчилар қатори бажардик. 81,9 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 10 октябрдаёқ 33 центнердан ҳосил йиғиштириб олдик. Давлатга 270 тонна «оқ олтин» топширдик. Энг қувончлиси, бу ҳосилнинг асосий қисми биринчи сортга сотилди. Орадан 10 кун ўтгач зиммамиздаги юксак социалистик мажбуриятимизни ҳам уддаладик. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллиги байрами арафасида эса қўшимча мажбуриятимизни ҳам бажардик. Ҳосилдорлик гектар бошига 40 центнерга етди. Жами хирмонимиз 330 тоннадан ошиб кетди.

Бу муваффақиятга бригадамиз аъзоларининг барчаси салмоқли ҳисса қўшдилар. Механизаторларимиз умумий ҳосилнинг қарийб 80 процентдан ортиғини машиналар ёрдамида териб олдилар. Биргина Ҳасан Мухторовнинг ўзи агрегати бункеридан 180 тоннадан кўп пахта тўкди. Дастлабки кунларданоқ қўл теримини ҳам уюшқоқлик билан ташкил этдик. Аввалига кўпминг-килограммчиларимиз машиналар учун ноқулай карталарда пахта теришди. Кўпмингкилограммчилар мусобақасига қўшилган қишлоқ Советининг депутати Гулзиё Айтбоева, Ерқиной Бахтибоева ва Тозагул Бўрибоева сингари чевар теримчиларимиз кунига 100—120 килограммдан ошириб, пахта териб барчага ўрнак бўлдилар. Бу илғорларнинг уйган хирмонлари 8—10 тоннадан ошиб кетди. Умуман қўл теримида бригадамизнинг 35 аъзосининг барчаси актив иштирок этди.

Шуниси қувончлики, бутун ёз мобайнида ғўзани оби-ҳаётга қондирган Омон Арқабоев, Камол Қурумбоев, Араббой Раҳматуллаевлар ҳам бекор туришмади. Улар терилган пахтани қуритиб, ўз вақтида тайёрлов пунктларига жўнатиб туришди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ҳозирги кунда қарилик гаштини сураётган Равия опа Умарқулова бош бўлган 15 нафар пенсионерларимиз ҳам бизга йиғим-теримда яқиндан ёрдам бердилар. Бизнинг катта хирмонимизга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшдилар.

Йиғим-терим мавсумида ишни юксак савияда ташкил этганлигимиз, меҳнатга ҳақ тўлашнинг илғор усуллари ва формаларини жорий этганлигимиз, дала меҳнаткашларига ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиб берганлигимиз натижасида коллективимиз ютуқлари салмоқли бўлиб бораверди. Бригадамиз колхозимизда «КПСС XXVII съезди шарафига — 27 зарбдор ўн кунлик!» шиори остида бошланган бригадалараро мусобақага актив қўшилиб, тўрт марта ғолиб чиқди.

Умуман, ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йили биз учун ҳар томонлама баракали бўлди. Давлатга каноп пояси сотиш бўйича ҳам юқори натижага эришдик. Ҳар гектар ердан 200 центнердан ошириб ҳосил йиғиштириб олдик. 1240 тонна каноп пояси сотдик.

Айни кунларда бригадамиз аъзолари келгуси йил ҳосили учун мустаҳкам замин ҳозирламоқдалар. Ҳосилдан тозаланган майдонлар вақтида шудгорланган. Бригадамизда қишки ишларни ўтказиш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб олинган. Бу ишларни тўлиқ амалга оширамиз, келгуси йилда пахтадан янада мўл ҳосил етиштирамиз.

**О. АЛАШБОЕВ,**
**Ғалаба районидаги Энгельс номли колхоз бригадаси бошлиғи.**

## ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИК УЧУН

**«Олий даражадаги Совет-Америка учрашуви» тўплами босилиб чиқди. Унда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан АҚШ президенти Р. Рейган 1985 йил 19—21 ноябрь кунлари Женевада ўтказган учрашув ҳужжатлари ва материаллари, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар олий раҳбарларининг 1985 йил 21 ноябрь куни Прагада бўлиб ўтган учрашуви тўғрисидаги ахборот, М. С. Горбачевнинг «Олий даражада Женевада ўтказилган Совет-Америка учрашувининг якунлари ва халқаро вазият тўғрисида» 1985 йил 27 ноябрда СССР Олий Советининг сессиясида қилган доклади, СССР Олий Советининг «Олий даражада Женевада ўтказилган Совет-Америка учрашувининг якунлари ва халқаро вазият тўғрисида» қабул қилган қарори бор.**

**Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.**

**(ТАСС).**

## СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети 1985 йил 29 декабрь якшанба дам олиш кунини 31 декабрь сешанба кунига кўчиришга қарор қилди.

## СЎНГГИ СОАТДА

### БУДАПЕШТ

Бу ерда ВХР Давлат мажлисининг навбатдаги сессияси тугади. Сессия ишида ВСИП бош секретари Я. Кадар, партия ва давлатнинг бошқа раҳбарлари қатнашдилар.

Сессияда сўзга чиққан ВХР ташқи ишлар министри П. Варкони бундай деди: Венгрия Совет Иттифоқининг халқаро вазиятни соғломлаштиришга, Совет — Америка муносабатларини нормаллаштиришга қаратилган таклифларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди. Бу ташаббусларнинг турмушга татбиқ этилиши дунёдаги барча халқларнинг, шу жумладан венгер халқининг ҳам туб манфаатларига мос бўлиб тушади, деди.

Министр Совет томонининг ҳамма ядровий портлатишларни ўз ихтиёри билан тўхтатиб қўйганлигини, шунингдек Совет Иттифоқининг Қўшма Штатларни ҳам шу йўлдан боришга таклиф қилганлигини СССРнинг тинчликни мустаҳкамлашга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга астойдил интилаётганини кўрсатувчи яққол мисол, деб атади.

ВХР Давлат мажлисининг депутатлари мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг еттинчи беш йиллик планини тўғрисидаги қонунни, 1986 йилги давлат бюджетини қабул қилдилар, бошқа бир қанча қонун лойиҳаларини маъқулладилар.

### КОБУЛ

Покистон территориясидаги Ҳайбар районида яшовчи пуштун қабилалари Покистон армиясининг мунтазам бўлинмаларига қуролли қаршилик кўрсатишни давом эттирмоқдалар. БАХТАР агентлигининг хабар қилишича, тўқнашувлардан бирида Африди ва Шинвар қабилаларининг бўлинмалари Покистоннинг икки офицерини асир қилиб олдилар. Олинган хабарларга кўра, Покистон режими пуштун қабилаларига қарши курашиш учун афғон аксилинқилобчиларининг тўдаларидан фойдаланмоқда.

### ҚОҲИРА

Бу ерда ХХР ташқи ишлар министри У Сюецяннинг матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Хитой Яқин Шарққа бағишланган халқаро конференция чақирилишини қўллаб-қувватлайди, деди у. «Бу конференцияда тенг ҳуқуқли иштирокчи ва фаластин халқининг бирдан бир қонуний вакили бўлмиш Фаластин озодлик ташкилоти қатнашиши муҳим», деб таъкидлади у.

У Сюецянь Исроилнинг босқинчилик сиёсатини қоралади ва у «Қўшма Штатлардан мадад олиб турган»лигини уқтириб ўтди.

Хитой министри Эрон—Ироқ можаросига тўхталиб, менинг мамлакатим давом этаётган хунрезлик муносабати билан ташвиш изҳор этади ва унинг тўхтатилиши учун куч-ғайрат сарфлайди, деб уқтирди.

### БАЙРУТ

Жанубий Ливандан олинган хабарларда айтилишича, исроиллик босқинчилар Ливан территориясининг Ал-Удайс қишлоғи яқинидаги халқаро чегарага туташ қисмини тортиб олганлар. Исроил армиясининг инженерлик бўлинмалари эни уч ва бўйи олти километр келадиган шу участка атрофини тиконли симлар билан ўраб олганлар.

Жанубий Ливаннинг бир қанча районлари ва қишлоқлари ваҳшиёна ўққа тутилди. Ўлдирилган ва жароҳатлантирилганлар орасида уч ёшдан саккиз ёшгача бўлган уч нафар бола ҳам бор. Ўнлаб уйлар вайрон қилинган.

### ТРИПОЛИ

Чаддаги барча революцион ва ватанпарвар кучларни бирлаштириш — олий революция кенгаши билан мамлакат миллий бирлик муваққат ҳукуматининг Бардаи (Чад)да ўтказилаётган қўшма мажлиси кун тартибидаги бош масаладир. Миллий бирлик муваққат ҳукуматининг қароргоҳида ўтказилган матбуот конференциясида хабар қилинишича, кенгашда Африка Бирлиги Ташкилотининг воситачилигида Чадда кенг қамровли миллий ярашга эришиш истиқболлари ҳам муҳокама қилинмоқда.

Мамлакатдаги миллий озодлик курашини бостиришга, унинг территорияси парчаланганлигини мустаҳкамлашга интилаётган душманларга қаршилик қилиш йўллари мажлис қатнашчиларининг диққат марказида турибди, дейилади муваққат ҳукумат ахборот министрининг Бардаида тарқатилган баёнотида. Ҳужжатда Америка ва Франция империализмининг Чад революциясига қарши фитнаси кескин қораланади.

(ТАСС).

СЎНГГИ СОАТДА

